Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21 ЙИЛ ЧИҚИШИ. № 156 (5249). | 10 август, 1974 йил ● ШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни таъкидлайдики, Андижон область Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Жалолов, партия комитетининг секретари Б. Мирзакаримов, бош агроном Х. Мирҳамидов, бош инженер К. Турднев, бригадирлар А. Солиев, Н. Деҳқонов, А. Ҳамидова, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари А. Муродов билан А. Носиров «Сельская жизнь» газетасида 1974 йил 9 августда эълон қилинган «Машиналар пахта далаларида» сарлавҳали мақолада пахтадан мўл ҳосил етиштириш, ишларни комплекс механизациялаштириш соҳасидаги бой тажрибаларини баҳам кўрганлар. Колхоз пахтакорлари беш йилликнинг тўртинчи йилида гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтариш давлатга камида 5 минг тонна ёки бултургидан 534 тонна кўп пахта сотиш, теримнинг индустриал-поток технологиясини қўлланган ҳолда пахтанинг 95 процентини терим машиналари билан йиғиштириб олиш мажбуриятини олганлар.

Колхоз механизаторлари ва барча меҳнатчилари техникани, транспорт воситаларини, кадрларни намунали тайёрлаш, ҳосил йиғим-теримига оид тадбирларнинг бутун комплексини ўз вақтида ўтказиш йўли билан, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, далада бор ҳосилни қўл меҳнатидан фойдаланмай 25 иш кунида териб бериш мажбуриятини оладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон область Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхози механизаторлари ва барча пахтакорларининг «Сельская жизнь» газетасидаги «Машиналар пахта далаларида» сарлавҳали мақолада баён қилинган тажрибасини ва катта ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, жойлардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органларига, колхоз ва совхозларининг раҳбарларига мақолани кенг муҳокама қилиш, илғор колхознинг тажрибасини ўрганиб чиқиб, ҳар бир хўжаликда қўлланиш таклиф қилинди.

Индустриал-поток технологиясини қўлланиб ҳосил йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, ҳар бир терим машинасининг юксак унумли ишлашини таъминлаш юзасидан барча колхоз ва совхозларда конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Техникани қўлланган ҳолда иложи борича кўпроқ пахта териб олишга эришиш зарур.

Республика, область ва район газеталарига ҳосилни машинада теришга намунали тайёргарлик кўриш ва ўтказиш соҳасида пешқадам хўжаликларнинг тажрибасини кенг ёритиш таклиф қилинди.

(«Машиналар пахта далаларида» сарлавҳали мақола газетамизнинг 2-бетида босилмоқда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1973 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни таъкидлайдики, 1973 йилда экономикани юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини оширишда республикада янги катта муваффақиятларга эришилди. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида иқтисодий ишлаб чиқаришни ўстиришнинг юксак суръатларига эришилди.

Экономикани ривожлантиришдаги ютуқлар Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг бажарилишини таъминлади.

Ўзбекистон ССРнинг 1973 йилги Давлат бюджети аниқланган планга кўра даромадлар бўйича 3.906.843 минг сўм миқдорида ёки 102,4 процент ва харажатлар бўйича 3.818.121 минг сўм ёки 100,1 процент қилиб бажарилди. Қорақалпоғистон АССР, барча областлар, республиканинг барча район ва шаҳарлари бюджетларнинг даромад қисмини бажарганлар. Бу эса халқ хўжалигини ривожлантириш планида кўзда тутилган барча тадбирларни, шунингдек, план ва бюджетни бажариш жараёнида вужудга келган қўшимча эҳтиёжларни маблағ билан узлуксиз таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети таъкидлайдики, баъзи министрликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш планларини ҳамда бошқа сифат кўрсаткичларини бажармаганликлари натижасида бюджет олдидаги ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлай олмадилар. Оборот солиғи тушумлари плани умуман бажарилган ҳолда халқ хўжалигининг 5 тармоғи бўйича бу план бажарилмай қолди ва бюджетга 10,3 миллион сўмлик маблағ кам тушди.

Фойдадан бюджетга тўловлар плани 105,5 процент қилиб бажарилди. Бироқ айрим министрлик ва идоралар жамғарма планларини ва бюджет олдидаги мажбуриятларини 9,9 миллион сўм кам бажардилар.

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги фойдалардан тўловлар бўйича бюджетга 4.709 минг сўм, Қурилиш министрлиги 3.092 минг сўм, Қишлоқ қурилиши министрлиги 651 минг сўм, Биноқорлик материаллари саноати министрлиги 382 минг сўм, Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармаси 781 минг сўм миқдорида кам маблағ берди.

Бюджет олдидаги мажбуриятни бажарганлари ҳолда фойдадан тўлов планини: Пахта тозалаш саноати министрлиги бўйича 19 корхона 6,8 миллион сўм, Енгил саноат министрлиги бўйича 22 корхона 4,1 миллион сўм, Автомобиль транспорти министрлиги бўйича 39 корхона 1,1 миллион сўм, Озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича 45 корхона 2,6 миллион сўм, Қишлоқ хўжалик министрлиги бўйича 55 корхона 2,2 миллион сўм миқдорида кам бажарди.

Бажарилган қурилиш-монтаж ишларини ҳисоб-китоб қилиш қониқарсиз аҳволда.

Баъзи министрлик ва идоралар 1973 йилда капитал жамғармаларни маблағ билан таъминлаш кўзда тутилган ўз бадалларини тўплаш планини бажаришга эришолмадилар. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги 8,6 миллион сўм, Совхозлар министрлиги 7,8 миллион сўм, «Узгалвадстрой» 5,8 миллион сўм, Қишлоқ хўжалик министрлиги 5 миллион сўм миқдорида кам маблағ топширдилар. Умуман 1973 йилда ўз маблағларини тўлаш планлари 40,7 миллион сўм миқдорида бажарилмай қолди.

Кўпгина министрлик ва идоралар қурилишда ички ресурсларни сафарбар этиш топшириқларини бажармаётирлар.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг 1973 йил учун социал-маданий тадбирларга сарфлаган маблағлари 1.844 миллион сўм бўлди ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган планга нисбатан 100,1 процентни ташкил этди. Лекин маориф соҳасидаги тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан ўтган йили 2.487 минг сўм миқдорида фойдаланилмай қолди.

Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети, областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари 1973 йилда даромадлар бўйича 102,5 процент қилиб бажарилди. Ўтказилган барча тадбирларни маблағ билан узлуксиз таъминлашга эришилди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССРнинг 1973 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 3.906.843 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 3.818.121 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 88.722 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети:

— ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар ходимларини КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларига амал қилган ҳолда халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планини ва бюджет олдидаги мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишлари;

— халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни тезлаштириш ва бу қувватларни тезроқ ўзлаштириш, чиқитга барҳам бериш, иш вақтининг бекор ўтишига барҳам бериш ҳамда хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини янада тежамкорлик билан сарфлаш ҳисобига улар сифати ва турларини яхшилаш имкониятларидан фойдаланиш борасидаги ишларни кучайтиришлари зарур. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан кенгайтиришлари лозим;

— ишлаб чиқаришга, қурилишга ва товар оборотига нормативдаги запаслардан ташқари моддий товар бойликларини жалб этишлари керак;

— ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, белгиланган ҳажм ва турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишга туширишни юзасидан топшириқларни, жамғарма тўплаш планларини бажаришга қаратилган тадбирларни кўришлари даркор;

— капитал маблағларни пул билан таъминлашга ажратилган воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарур, ишга туширилаётган ва энг муҳим халқ хўжалик объектларига молиявий ва моддий ресурсларни марказлаштиришлари, қурилиш муддатларини қисқартириб, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни ўз вақтида ишга туширишга эришишлари зарур;

— корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг ўрнатилмаган жиҳозлар ва бошқа материалларни қисқартириш, шунингдек капитал маблағларни пул билан таъминлаш кўзда тутилган ўз воситалари учун тўлов планларини бажариш устидан қатъий назорат ўрнатишлари лозим.

3. Маориф, Соғлиқни сақлаш, Маданият министрликлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область Ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети:

— социал-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлаш кўзда тутилган бюджет маблағларидан тўғри фойдаланиш масалаларига кўпроқ эътибор беришлари лозим. Мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари ва бошқа муассасалар тармоқларини кенгайтириш бўйича планнинг бажарилиши устидан мунтазам назорат ўрнатсинлар.

4. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети:

— 1974 йилда ҳамма шаҳар, район, қишлоқ ва посёлкаларда бюджетларнинг даромад қисми барча даромад манбаълари бўйича бажарилишини таъминловчи чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

— бюджетларнинг бажарилиш якунлари масалаларини мунтазам кўриб борсинлар ҳамда уларнинг даромад бўйича ҳам, шунингдек харажатлар бўйича ҳам бажарилишини таъминловчи тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ишонч билдирадики, республика министрликлари ва идоралари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш планлари ва социалистик мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилиши, иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиши ва шу асосда Ўзбекистон ССРнинг беш йилликнинг белгиловчи йили бўлган 1974 йилги Давлат бюджети муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ „ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ" СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1974 ЙИЛДА ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА

ТАДБИРЛАРИ

Совхозимиз пахтакорлари республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан камида 41 центнердан пахта олиш, давлатга 16 минг 500 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини қабул қилдилар.

Деҳқончилик маданиятининг юксалиб бораётганлиги, ғўза парваришида илғор агротехника қўлланаётганлиги область ва республика партия, совет ташкилотларининг доимий ғамхўрлиги туфайли далаларимизда олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъмин этадиган ҳосил етиштирилди.

Пахта харид нархларининг оширилганлиги КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг пахтакорлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг янги тимсолидир. Бу тадбир республикамиз барча қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга ёрдам беради.

1974 йилда механизаторларимиз ҳар бир машина билан 150 тоннадан, ўтган йилдагидан 10 тоннадан кўп пахта теришга ва механизмлар ёрдамида ялпи ҳосилнинг кам деганда 95 процентини териб олишга сўз бердилар.

Бу вазифани бажариш учун терим техникасидан моҳирона фойдаланиш, ҳосил йиғим-теримида комплекс механизациялаштиришнинг илғор методларини кенг жорий этиш талаб қилинади. Механизаторларимиз ҳосилни 20 кун ичида йиғиб олишга ва давлатга фақат юқори сифатли хом ашё топиришга қатъий ахд қилдилар. Йиғим-терим мавсумида ҳар бир агрегат билан кунига ўртача 9—10 тоннадан пахта терилади ва ҳар куни давлатга йиллик планга нисбатан 6—7 процент, айрим кунларда эса 10 процентга етказиб пахта топширилади.

Совхоз дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари машина теримига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилган тадбирлар комплексини ишлаб чиқдилар.

Август — далаларни машина теримига тайёрлаш ва ғўзани машина теримига мослаб ўстиришда ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Ана шу ойда биз барча майдонларда ғўзанинг бир текисда ўсишини таъмин этишимиз, бунинг учун эса қолоқ участкаларга шарбат суви оқизамиз ва тупроқнинг сифатли юмшатилишига эришишимиз лозим. Далаларни машина теримига сифатли тайёрлаш шу кунларда кўп жиҳатдан механизаторларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу даврда юқори меҳнат унумдорлигини таъмин этиш учун зарур шарт-шароитни яратиш кўзда тутилади; 20—25 августга қадар далада ишлаётган культиваторларнинг камайиб кетишига сира йўл қўймаймиз. Эгат олиш ва культивация ўтказишда ишлаб чиқариш нормасини камайтирамиз. Бу агрегатнинг харакат тезлигини камайтириш, трактор агрегатини бир меёрда бошқариш имкониятини беради.

Ҳар бир механизатор бригадир ва агроном билан ҳамкорликда ғўзанинг ҳолати ва эгатларнинг профилига қараб, энг сўнгги культивация пайтида ишчи органларининг жойланиши ва танлашни амалга ошириб, Сўнгги культивация қатор ораларини пухта текислаб кетиши зарур. Бу тадбир терим машиналарини тўғри бошқаришни ва пахта терилиши сифатини ўтказилишини таъминлайди.

20 августдан бошлаб суғоришдан кейин қолган ўқариқлар ва эгатларни текислашга киришамиз, пахта териш машиналари кирадиган, қайриладиган жойларни тайёрлашни бошлаймиз.

Грейдерлар, бульдозерлар ўқариқ текислайдиган машиналарни далалар ва машиналар қайриладиган жойларни текислаш тугалланганда сўнг бу иш жараёнида тўпланиб қолган тупроқларнинг бир қисмини ғўза эгатларига сочилиб кетиб, катор оралари ёнларида дўнгликлар ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун уларни яхшилаб текислаб юбориш мақсадида ҳар бир бригадада ана шу даврда 30—40 киши ишга жалб этилади. Улар кўл ёрдамида далаларни текислайдилар ва машина теримига кўнгилдагидек қилиб созлайдилар.

Пахта териш машиналари кирадиган ва қайриладиган полосаларни тайёрлашда биз энг биринчи навбатда ортиқча йўллардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Лозим бўлиб қолган тақдирда эса ғўза тупларининг ўрилиб нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун бошқа экинлардан бўшаган ерлардан ҳам фойдаланамиз.

Августнинг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида биз далаларни бегона ўт қолдиқларидан батамом тозалаш учун сўнгги ишни олиб борамиз. Чунки, бегона ўтларнинг кўп бўлиши машина терими технологик жараёнининг бузилишига олиб келади. У икки томонлама зиён етказади: машинанинг унумдорлиги пасаяди ва пахта ифлосланиши мумкин.

Суғоришдан сўнг дарҳол қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотамиз. Чунки бу маҳалда бегона ўтларнинг илдизи билан суғуриш осон бўлади. Йўл чеккалари, карта этаклари, ариқ бўйларидаги бегона ўтларни оловли культиватор ёрдамида йўқотамиз.

Далаларни машина теримига тайёрлаш ниҳоясига етказилгач, акт билан механик-ҳайдовчига топширамиз. Механик-ҳайдовчи икки қаторли машинада кенг қаторлаб экилган майдонларда ишлайдиган бўлса, уларнинг ҳар бирига хўжалик бўйича ўртача 35 гектардан ер бириктириб қўйилади. Механизатор қабул комиссияси билан биргаликда далаларнинг машина теримига қай даражада тайёрланганлигини аниқлайди. Бундай комиссияга хўжалик ва бўлимларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари вакиллари, инженер механиклар ва агрономлар, бригада бошлиқлари ва звено бошлиқлари аъзо қилиб киритилади. Ҳар бир даланинг машина теримига тайёрланганлигини қабул қилиб олишни биз 5 сентябргача тугаллаймиз.

Барча терим техникаси ремонтдан чиқариб қўйилибди. Биз 10 августдан 20 августга қадар машиналарга электр ускуналари ўрнатиб бўлингач, бу механизмларни чиниқтирамиз ва аниқланган камчиликлар бўлса уларни тугатамиз. Мавжуд 100 та пахта териш машинасининг ҳаммаси тракторчи-машинист ихтисосига эга бўлган биринчи ва иккинчи класс механизатор кадрлари билан комплектлаштирилган.

Сўнгги культивация тугаллангандан сўнг барча механик-ҳайдовчилар ва уларнинг ёрдамчилари бир ҳафта давомида малака ошириш курсида таълим оладилар. Курс машғулотларида, комбайннинг тузилиши, терим ишларини ташкил этишга оид лекциялар ўқилади, тажриба алмашилади, техника хавфсизлиги қоидалари ўргатилади.

Шу кунларда ҳар бир механик-ҳайдовчи инженер-техника хизмати ходимлари ёрдамида комбайннинг қай даражада созланганлиги ва барча узелларнинг шайлиги сифатини яна бир бор кўздан кечирмоқдалар. Механизаторларга улар курсда ўқиб юрган кунлари ҳисобига ўртача ойлик иш ҳақи юзасидан ҳақ тўланади.

25 августга қадар соатлик график бўйича хизмат кўрсатиш ва машина теримини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни (транспорт тележкаларини ўз вақтида етказиб бериш, шпинделларни ювиш учун сув билан таъминлаш, техника қаровини йўлга қўйиш ва бунинг учун керакли материаллар ва ускуналарни ташиб келтириш, иссиқ овқатни ва механик-ҳайдовчилар, машина теримида банд бўлган бошқа механизаторларнинг дам олишини ташкил этиш) тугаллаймиз.

Биз ҳар бир пахта териш машинасининг сифатли ишлаши устидан алоҳида назорат ўрнатамиз. Ҳар бир механик-ҳайдовчига конкрет пахта майдонини бириктиб қўйиш, ишнинг сифатидан, хабардор бўлиб туриш уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш яхши натижа бермоқда. Биз бу тажрибани бундан кейин ҳам қўллаймиз. Машина терими ўтказилган участкаларга номлари ёзиб қўйилган кўрсаткич белгиларини қўямиз. Бунда механик-ҳайдовчилардан кимнинг ушбу майдонда биринчи машина теримини ўтказганлиги кўрсатилади. Бу биринчидан, иш сифатига холисона баҳо беришга ёрдам кўрсатади. Иккинчидан, эса шу механизаторнинг ўзи бу майдонда иккинчи теримни ҳам ўтказади. Демак, унинг шахсан ўзи машина терими даврида ишни тўла-тўкис ва сифатли бажариш учун жавобгарликни ҳис қилади. У ёки бу терим агрегатининг кам унум билан ва сифатсиз ишлаётганлигининг ўз вақтида аниқлаш, камчиликларни тугатиш учун зарур тадбирларни амалга ошириш, ана шу йўл билан пахта тайёрлаш суръатининг сусайишига асло йўл қўймаслик имконияти туғилади.

Йиғим-терим мавсумида хўжаликда терим машиналари ишини ва сифатини назорат қилувчи комиссия тузилади. Комиссия ҳар бир терим машинасининг иш сифатини баҳолаш тадбирларини ишлайди ва амалга оширади. Қўшимча хизмат кўрсатиш қандай йўлга қўйилганлигини узлуксиз текшириб туради. Бунинг натижасида машина теримининг тез ва соз ўтказилиши таъминланади. Машина теримида сифатли иш бажарганларни рағбарлантириш тадбирлари бўйича таклифларни ўз вақтида киритиб турилади.

Жумладан, бундай комиссия зиммасига:

— машина теримига ажратилган далалар ва ғўзаларнинг қай даражада тайёрланганлигини текшириш;

— пахта териш машиналари ишчи органларининг техник ҳолатини кўздан кечириш;

— машина терими сифатини баҳолаш;

— машина терими сифатининг пасайиб кетганлиги сабабларини ва бунинг учун конкрет айбдор шахсларни аниқлаш;

— қўшимча хизматлар бўйича (тележка етказиб бериш, шпинделларни ювиш, техник қаров ва ремонтни ўтказиш, механик-ҳайдовчилар томонидан билдириладиган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилишини текшириб туриш) сингари вазифалар юклатилади.

Комиссиялар ишида хўжаликнинг етакчи мутахассислари, партия ва касаба союз ташкилотлари вакилларининг иштирок этиши машина теримининг сифатининг пасайиб кетишига оид аниқланган камчиликларни ўз вақтида, тезкорлик билан тугатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш имкониятини беради.

Машина теримининг муваффақиятли ўтиши ва ишнинг сифати кўп жиҳатдан ғўза баргларини тўкишни ўз вақтида ва юқори сифат билан ўтказилишига боғлиқдир.

Тадбирларда бу муҳим агротехника усулини ўтказишга алоҳида эътибор берилади. 20 августга қадар аэродромлар ва самолётларни заправка қилиш учун механизмларни тайёрлашни тугаллаймиз. Ана шу муддатда мавжуд барча трактор аппаратураларнинг тўла шай қилиб қўйилишини таъминлаймиз.

15 августдан 20 августга қадар агрономлар, сигналчилар, тракторчилар билан семинар ўтказамиз, бу семинар машғулотларида пуркагич ва чанглагич машиналарини қандай ишлатиш ҳақида ҳамда заправка ишларини сифатли ўтказиш тўғрисида кўрсатмалар берилади. Ғўзани дефолиантлар ва десикантлар билан ишлаш пайтида техника хавфсизлигини таъмин этишга алоҳида эътибор берамиз.

Дефолиацияни августнинг сўнгги ва сентябрнинг дастлабки кунларида бошлаб юборишни кўзда тутмоқдамиз.

20—25 августга қадар ғўзани дефолиация қилиш графигини тузиб чиқамиз. Ҳар бир бўлимда 4—5 сигналчи ишлайди. Дастлабки даврларда пахта териш машиналарининг кенг фронт бўйлаб иш олиб боришларига имконият яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун дефолиация ишлари барча бригадаларда бир йўла бошланади. Дефолиация ўтказишнинг дастлабки кунлариданоқ учувчилар ва сигналчиларга график иш плани ва самолётларнинг учиш маршрути бериб қўйилади.

Ҳар бир ғўза тупида ўртача 2—3 тадан кўсак очилганда дефолиацияни бошлаймиз ва 10—12 кун давомида бу ишни тўла тугаллаймиз.

Биринчи навбатда машиналар қайриладиган полосалар дефолиантлар билан ишланади. Ана шундай қилсак машиналар ишга туширилиадиган кунга қадар бу ерлардаги ҳосилни йиғиб олиш мумкин бўлади. Пуркаш иши қўл аппарати ёрдамида бажарилади. Полосаларни текислаш ҳар бир бўлимда механизациялаштирилган отрядлар томонидан амалга оширилади. Полосаларни тайёрлашни сентябрнинг биринчи кунларидан бошлаймиз. Полосаларнинг кенглиги 8 метрдан кам бўлмайди. Шундай қилсак, машиналар бемалол кириб чиқа олади.

Дефолиация ишини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш механик-ҳайдовчилар учун кенг кўламдаги иш фронтини яратиб беради. Етиштирилган ҳосилни қиска муддатларда йиғиб олиш имконияти туғилади.

Ғўза тупларидаги кўсакларнинг кам деганда 60 проценти очилганида машина теримини бошлаймиз. Барча майдондаги ҳосил механизация ёрдамида териб олинади. Ғўза қатор ораларини машиналар икки-уч бор айланиб чиққач, далага механик подборщикларни, сўнгра эса кўрак териш машиналарини чиқарамиз. Биринчи теримда гектаридан 25—27 центнер, иккинчи теримда эса 10—12 центнер пахта йиғиштириб олишни ҳисоб-китоб қилиб қўйдик. Ҳар бир механизатор ўз даласидаги пахтани теради. Бу ишнинг юксак сифатли бажарилишини таъминлайди. Ҳар бир механик-ҳайдовчига ўртача 35 гектардан майдон тўғри келади. Ҳар бир звенога иккитадан пахта териш машинаси бириктирилган. Шунингдек, биттадан механик подборщик ва кўрак териш машинаси бериб қўйилган.

Пахта териш машинасининг иш вақти об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Яъни агрегатлар шудринг тушгунга қадар ишлайдилар. Терим конвейер усулида: дала—бункер-тележка-тайёрлов пункти схемаси бўйича иш олиб борилади. Ҳар бир агрегатга пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун учтадан прицеп биркитилган.

Ҳар бир бўлимда тажрибали механик-ҳайдовчилар хизмат кўрсатадиган кўчма устахоналар бор. Ремонтчилар группаси бу устахоналарда кечаси-кундуз навбатчилик қиладилар. Машиналарнинг бекор туриб қолишига мумкин қадар йўл қўймаймиз. Машиналар, механик-подборщиклар, кўрак териш машиналаридан келиб тушадиган ва кўсак тозалаш машиналаридан олинган пахталарнинг ҳисоб-китобини пухта олиб бориш тадбирлари кўриб қўйилди. Пахта топширишда, накладнойларда ҳужжатлаштириш ва белги қўйиш қоидаларига қатъий риоя этилади. Бу тадбир тайёрлов пунктлари ишини енгиллаштириш ва яхшилашга ёрдам беради.

Йиғим-терим даврида совхознинг барча бўлимларида болалар боғчалари ва яслиларининг намунали ишлаб туриши йўлга қўйилади. Механик-ҳайдовчилар, тракторчилар ва далада меҳнат қилувчиларнинг ҳаммасига иссиқ овқат ташкил этишни яхши йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Партия ва касаба союз ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тадбирларини амалга оширадилар. Агитаторлар бригада ва звеноларда ҳар куни суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Биз механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани янада ривожлантиришга катта эътибор берамиз. Социалистик мусобақани ўтказишнинг шарт-шароитлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳар беш кунда мусобақага якун ясалади. Ғолибларга кўчма қизил байроқ, вимпел ва пул мукофоти топширилади. Бўлимлар учун иккита байроқ ва иккита мукофот таъсис этилди. Биринчиси 600 сўм ва иккинчиси 450 сўм. Энг яхши механик-ҳайдовчилар шарафига байроқ кўтарилади.

Мусобақада мукофотли ўринни эгаллай олмаган бўлимлар учун ҳар беш кунлик иш якунига қараб 300 сўм пул ажратилади. Бўлим бошлиқлари ва касаба союз комитетлари тавсияси билан бу пул илғор бригадалар, звенолар, механизаторларни рағбатлантириш учун сарф этилади. Механизаторлар бир тонна пахта терганликлари учун қанча меҳнат ҳақи олиш билан таништирилган.

Механик-ҳайдовчилар машина теримини юқори сифатли ўтказганликлари ва белгиланган нормани ошириб бажарганликлари учун машиналарнинг маркасига қараб ҳар беш кунда 15 сўмдан тортиб 30 сўмгача пул билан мукофотланадилар. Юклаш, пахтани қуритиш, машиналарга ортиш, кўрак териш ва механик подборщикларда ишлайдиган ишчиларни ҳам мукофотлаш учун тадбирлар кўрилган.

Ўтган йилдагига қараганда ҳосилдорликни ошира олган бригада ва звеноларни мукофотлаш тадбирлари белгиланган. Йиғим-терим илғорларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилган бошқа қатор тадбирлар ҳам кўриб қўйилибди.

Совхоз меҳнаткашлари юбилей йилини юқори кўрсаткичлар билан нишонлаш учун бутун кучғайратларини ишга соладилар. Бугунги кунда биз бажараётган ишларнинг ҳаммаси ана шу вазифани муваффақиятли адо этишга бўйсундирилгандир.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози коллективининг 1974 йилда пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олишга тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўтказиш бўйича белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, пахтачилик совхозлари трести, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари, «Узсельхозтехника» корхоналарига «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози коллективининг тадбирларини муҳокама этиш, ҳар бир хўжалик бўйича машина теримини сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, барча терим машиналаридан юқори унум билан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон ССР ва Узкомпартия 50 йиллиги шарафига пахтани машинада териш бўйича олинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқишни тавсия этди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, пахтакор хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларига «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизаторларининг пахта йиғим-теримини 15—20 иш кунида тугаллаш юзасидан бошлаб берган ташаббусларини қўллаб-қувватлашни, зарур ҳисоб-китобларни тузиб чиқиб, пахта тайёрлаш суръатини кучайтиришни таъминлайдиган тадбирларни амалга оширишни юклатилди.

Область ва район газеталари, область радио эшиттириш редакцияларига машина теримини тез ва сифатли ўтказишни кўзда тутиб, механизатор кадрлар, терим техникаси, далаларни тайёрлаш ишларини кенг ёритиб бориш топширилди.

Район механизаторларининг слётини шу йил 20 августдан 30 августгача бўлган вақт ичида ўтказиш ва бу слётларда ҳар бир механизатор ва ҳар бир хўжалик бўйича машина терими юзасидан мажбурият олиш, муҳокама этиш, терим ишларини 15—20 иш кунида тугаллаш, шунингдек бошқа зарур тадбирларни амалга ошириш тавсия этилди.

МУСОБАҚАДОШ ОЗАРБАЙЖОНЛИКЛАР ОБЛАСТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА

ПАРВАРИШ БЎШАШТИРИЛМАСИН

Кеча биз Ўрта Чирчиқ районида бўлдик. Район меҳнаткашлари гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» етиштириш ва она-Ватанга 70 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олишган.

Биз хўжаликларда бўлганимизда район меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятларнян қандай бажараётганликлари билан батафсил танишдик. Ҳақиқатдан ҳам районда баракали «оқ олтин» етиштириш йўлида катта ишлар қилинган. Агротехника фани ютуқлари ва бой тажрибалар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Шу сабабли кўп колхоз, бригадаларда мажбуриятни ошириб бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар бизни хурсанд қилди. Свердлов номли, «Ленин йўли», А. Икромов номли, Терешкова номли, «Партия XXII съезди» колхозларининг деҳқонлари даладаги ишларни тўла ҳисобга олиб, аввал қабул қилинган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб оширилган мажбуриятлар қабул қилишган. 5 колхоз эндиликда 35 ўрнига 40 центнердан пахта топшириш учун қизғин кураш олиб бормоқда.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида қизғин иш кетяпти. Биз Охунбобоев номли колхоз азаматларининг ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигида фаол меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Колхозчилар август ойи охиригача ғўза қатор ораларига 1,5—2 марта ишлов бериб, гектаридан пландаги 28 ўрнига 35 центнердан пахта топширамиз дейишмоқда. Ғўзани чопиқ қилиш, суғориш бир-бирига боғланган ҳолда олиб бориляпти. Чеканка ўз вақтида ўтказилиши туфайли ғўзаларда ҳосил тўплаш қувончли бўлмоқда.

Куйбишев номли колхозда бўлганимизда, оқибатда айрим карталардаги ғўзалар энди учинчи марта сув ичаётир. Бу эса кўсакларни кўпайтириш ўрнига гулларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Райондаги «Коммунизм», Энгельс номли колхозларда ғўзани культивация қилишда бўшашувчиликка йўл қўйилган. Айрим механизаторлар тракторларнинг ишчи органларини созламаган ҳолда фойдаланишяпти.

Терим машиналарининг мавсумга қандай тайёрланаётганлиги билан ҳам қизиқдик. Айниқса бу соҳада кўп хўжаликларда ибратли ишлар амалга эмас. Сувчилар сони кам. Оқибатда айрим карталардаги ғўзалар энди учинчи марта сув ичаётир. Бу эса кўсакларни кўпайтириш ўрнига гулларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Райондаги «Коммунизм», Энгельс номли колхозларда ғўзани культивация қилишда бўшашувчиликка йўл қўйилган. Айрим механизаторлар тракторларнинг ишчи органларини созламаган ҳолда фойдаланишяпти.

Терим машиналарининг мавсумга қандай тайёрланаётганлиги билан ҳам қизиқдик. Айниқса бу соҳада кўп хўжаликларда ибратли ишлар амалга оширилган. Агротехника фани ютуқлари ва бой тажрибалар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Шу сабабли кўп колхоз, бригадаларда мажбуриятни ошириб бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар бизни хурсанд қилди. Свердлов номли, «Ленин йўли», А. Икромов номли, Терешкова номли, «Партия XXII съезди» колхозларининг деҳқонлари даладаги ишларни тўла ҳисобга олиб, аввал қабул қилинган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб оширилган мажбуриятлар қабул қилишган. 5 колхоз эндиликда 35 ўрнига 40 центнердан пахта топшириш учун қизғин кураш олиб бормоқда.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида қизғин иш кетяпти. Биз Охунбобоев номли колхоз азаматларининг ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигида фаол меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Колхозчилар август ойи охиригача ғўза қатор ораларига 1,5—2 марта ишлов бериб, гектаридан пландаги 28 ўрнига 35 центнердан пахта топширамиз дейишмоқда. Ғўзани чопиқ қилиш, суғориш бир-бирига боғланган ҳолда олиб бориляпти. Чеканка ўз вақтида ўтказилиши туфайли ғўзаларда ҳосил тўплаш қувончли бўлмоқда.

Куйбишев номли колхозда бўлганимизда, оқибатда айрим карталардаги ғўзалар энди учинчи марта сув ичаётир. Бу эса кўсакларни кўпайтириш ўрнига гулларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Райондаги «Коммунизм», Энгельс номли колхозларда ғўзани культивация қилишда бўшашувчиликка йўл қўйилган. Айрим механизаторлар тракторларнинг ишчи органларини созламаган ҳолда фойдаланишяпти.

Терим машиналарининг мавсумга қандай тайёрланаётганлиги билан ҳам қизиқдик. Айниқса бу соҳада кўп хўжаликларда ибратли ишлар амалга оширилган. Агротехника фани ютуқлари ва бой тажрибалар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Шу сабабли кўп колхоз, бригадаларда мажбуриятни ошириб бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар бизни хурсанд қилди. Свердлов номли, «Ленин йўли», А. Икромов номли, Терешкова номли, «Партия XXII съезди» колхозларининг деҳқонлари даладаги ишларни тўла ҳисобга олиб, аввал қабул қилинган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб оширилган мажбуриятлар қабул қилишган. 5 колхоз эндиликда 35 ўрнига 40 центнердан пахта топшириш учун қизғин кураш олиб бормоқда.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида қизғин иш кетяпти. Биз Охунбобоев номли колхоз азаматларининг ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигида фаол меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Колхозчилар август ойи охиригача ғўза қатор ораларига 1,5—2 марта ишлов бериб, гектаридан пландаги 28 ўрнига 35 центнердан пахта топширамиз дейишмоқда. Ғўзани чопиқ қилиш, суғориш бир-бирига боғланган ҳолда олиб бориляпти. Чеканка ўз вақтида ўтказилиши туфайли ғўзаларда ҳосил тўплаш қувончли бўлмоқда.

Куйбишев номли колхозда бўлганимизда, оқибатда айрим карталардаги ғўзалар энди учинчи марта сув ичаётир. Бу эса кўсакларни кўпайтириш ўрнига гулларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Райондаги «Коммунизм», Энгельс номли колхозларда ғўзани культивация қилишда бўшашувчиликка йўл қўйилган. Айрим механизаторлар тракторларнинг ишчи органларини созламаган ҳолда фойдаланишяпти.

Терим машиналарининг мавсумга қандай тайёрланаётганлиги билан ҳам қизиқдик. Айниқса бу соҳада кўп хўжаликларда ибратли ишлар амалга оширилган. Агротехника фани ютуқлари ва бой тажрибалар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Шу сабабли кўп колхоз, бригадаларда мажбуриятни ошириб бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар бизни хурсанд қилди. Свердлов номли, «Ленин йўли», А. Икромов номли, Терешкова номли, «Партия XXII съезди» колхозларининг деҳқонлари даладаги ишларни тўла ҳисобга олиб, аввал қабул қилинган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб оширилган мажбуриятлар қабул қилишган. 5 колхоз эндиликда 35 ўрнига 40 центнердан пахта топшири

11 АВГУСТ — БИНОКОРЛАР КУНИ

ҲАЁТИМИЗ МЕ'ЪМОРЛАРИ

МИЛЛИОН-миллион кишилар ўзларининг маиший шароитини яхшилаб олган ҳозирги пайтда қурилишнинг сифатига, квартираларнинг тузилиши ўнғай бўлишига, проспектларнинг, кварталларнинг, жамоат биноларининг ташқи кўринишига кўпроқ эътибор бериш имконияти туғилмоқда. Бизнинг меъморларимиз иморатларнинг бир қолипда бўлишига, архитектуравий ечимларнинг кўримсизлигига чек қўйишлари мумкин ва лозим.

(Л. И. Брежневнинг сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқидан).

▲ СУРАТЛАРДА. 1. Тошкентнинг Ленин районида янги маиший хизмат уйи қурилмоқда. Унинг биринчи навбати республика олтин тўйи арафасида ишга туширилади. Шу объектнинг илғор қурувчилари (чапдан) М. Холиқов, Г. Городина, Т. Серикбоев, Н. Ермекбоев ва М. Абдиев ўртоқлар қурилиш майдонида. 2. Тошкент аэропорти яқинида янги аэровокзал биноси қад кўтармоқда. Суратда қурилиш пешқадамлари — комплекс бригада бошлиғи В. Офицеров ва монтажчи Т. Худойберганов ўртоқлар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ТЕЗ, СОЗ ВА АРЗОН ҚУРАЙЛИК

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллик олтин тўйини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун қизғин кураш олиб бораётган пойтахт области қурувчилари белгиловчи йилнинг ўтган етти ойлик план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари ортиғи билан адо этиб, ўз байрамларига муносиб тухфа ҳозирладилар. Областдаги барча қурилиш ташкилотлари, «Главташкентстрой»га қараш ли трест ва бошқарма коллективлари қурилиш-монтаж ишлари ҳамда турар-жойларни фойдаланишга топшириш ярим йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Айниқса, 23-қурилиш тресті коллективи қўлга киритган ютуқлари салмоқли бўлди. Олти ойга мўлжалланган қурилиш-монтаж ишларини бош пудрат бўйича 108 процент, ўз кучлари билан эса 112 процент қилиб адо этдилар.

«Главташкентстрой»га қарашли 6-трест коллективи йил бошиданоқ юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақани қизғин авж олдириб, бош бошқарма бўйича энг юқори кўрсаткичга эришди. Шунингдек, «Жилстрой», «Алмаликсвинецстрой» ва 159-трест қурувчилари ҳам ўз байрамларини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг чексиз ғамхўрлиги туфайли областимизда халқ хўжалигини юксалтириш учун сарфланаётган капитал маблағлар ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Область партия ташкилотлари ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқлари, фан ва техниканинг гуркираб ўсиши учун мустаҳкам замин ҳисобланган капитал қурилиш ишларини яхшилашга жиддий эътибор бермоқдалар.

Пойтахт области қурувчилари юбилей йилида 530 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга аҳд қилишган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 110 процентни ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир бинокор қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилаётир. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллективнинг куч-ғайратини бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилишга, капитал маблағлардан янада самарали фойдаланишга сафарбар этиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Бу улкан вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда социалистик мусобақа ҳал қилувчи роль ўйнаётир. Ҳозирги кунда ҳар бир трест, бошқарма, участка, бригада ва қурувчилар оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, ўзаро мусобақа шартлари асосида меҳнат қилаётир. Кўпгина йирик қурилиш ташкилотларида социалистик мусобақа намунали уюштирилган. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ва тўла ошкорлигини таъминлашга эришдилар. Мусобақа шартларига ҳар бир декада, ой ва квартал давомида аниқ якун ясалиб, ғолиблар турли йўллар билан рағбатлантирилиб борилади. Мусобақа ғолибларининг портретларини осиб қўйиш учун алоҳида ҳурмат тахталари таъсис этилган. Бундан таш қари ҳар қандай мукофот коллективнинг умумий йиғилишида тантанали суратда ўз эгаларига тақдим этилади. Бу тадбирлар ҳар бир қурувчида катта қизиқиш уйғотмоқда, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, янги-янги меҳнат зафарлари сари руҳлантираётир.

Область қурилиш майдонларидаги кўтаринки меҳнат самараси ўлароқ белгиловчи йилнинг ўтган даврида муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган саноат корхоналари, янги-янги ишлаб чиқариш кучлари ҳамда кўплаб турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Узбекистон металлургия заводининг сирли идишлар цехи қисқа вақт ичидаёқ йилига 20 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини ўзлаштирди. Яқинда ишга туширилган Қибрайдаги пиво алькоголсиз ичимликлар комбинати ёз бўйи аҳолини ёқимли ичимлик билан мўл-кўл таъминлай келди. Тошкент шаҳрида эса 6 минг аҳолига мўлжалланган жамоат-савдо маркази ҳаридорларга хизмат қила бошлади.

Ўтган давр ичида пойтахт область ва шаҳарлари меҳнаткашлари бинокорлардан жами 307 минг квадрат метр турар-жойни қабул қилиб олдилар. Шундан 204 минг квадрат метри Тошкент шаҳар территориясида қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 89 километр масофада юқори вольтли янги линиялар ва 52,8 километр масофада газ тармоқлари ишга туширилди.

Белгиловчи йилнинг етти ойлик план-топшириқлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли якунлаган область бинокорлари айни кунларда юбилей шарафига қўшимча қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун қизғин кураш бошладилар. Айниқса, шу йил фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 94 та юбилей объекти ҳамда 43 та энг муҳим қишлоқ хўжалик объектларида қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатлар билан бормоқда. Бу объектларнинг барчасида махсус қурилиш штаблари тузилган. Штаб аъзолари бўлган малакали мутахассислар қурилиш жараёнида юзага чиқаётган барча муаммоларни зудлик билан ҳал этиб, объектларни ишчи кучи билан тўла таъминлаш, қурилиш майдонларида иссиқ овқатлар ва савдо сотиқни уюштириб, бинокорлар учун қулай шароит яратиб қурилиш раҳбарларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Натижада деярли барча юбилей объектларида иш суръати кўнгилдагидек бормоқда.

Ангрен керамика комбинати қурилиши юбилей объектларининг энг муҳимларидан биридир. Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари намунали ташкил этилганлиги учун ярим йиллик план 114 процент килиб бажарилди. Бинокорлар йил бошида 2 миллион 525 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга сўз берган эдилар. Улар ахдларига яраша фидокорона меҳнат қилиб, олти ой давомида 2 миллион 866 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, ўз байрамларини ёруғ юз билан кутиб олдилар. Ҳозир бу ерда қурилиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли икки баравар тезлашди.

Оққўрғон районидаги 7-совхозда ўн минг бош бузоққа мўлжаллаб қурилаётган бўрдоқичилик базаси ҳам шу йил фойдаланишга топширилади. 23-трестга қарашли 21-механизациялашган кўчма колонна коллективи объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Капитал қурилиш планларини муваффақиятли бажариш ҳамда муҳим объектларни муддатдан илгари фойдаланишга топширишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин усули асосида иш юритаётган комплекс бригадаларда меҳнатни намунали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Қурилиш трестлари, бошқармалари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари асосий эътиборни ана шундай бригадалар сафини кенгайтиришга қаратмоқдалар. Бугунги кунга келиб Злобин усулида ишлашга ўтган бригадалар сони областда 157 тага етди. Мазкур бригадаларда қурилиш жараёни оқилона ташкил этилганлиги туфайли энг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришилмоқда ва объектлар муддатидан анча илгари яхши баҳолар билан фойдаланишга топширилмоқда. Масалан, «Узбекшахтострой»нинг Дмитрий Зазулин бошчилик қилаётган комплекс бригадаси аъзолари тўққизинчи беш йилликни барвақт бажариб қўйган эдилар. Айни кунларда эса шу беш йилликда яна бир беш йиллик планини бажариш мақсадида қурилиш суръатини янада жадаллаштирмоқдалар.

«Жилстрой» трестидаги Владимир Якубович ва Яфар Мусин, 23-қурилиш трестига қарашли 8-механизациялашган кўчма колоннасидан Ҳайрулла Саидазимов ва 1-механизациялашган кўчма колоннадан Николай Сухов, 159-трестдаги Тўлқин Самиғов бошлиқ бригадалар ҳам злобинчиларга қўшилиб, вақтдан анча илгарилаб кетдилар. Бу — барча қурилиш ташкилотларининг қурилиш-монтаж ишлари унумдорлигини ошириш, объектларни фойдаланишга топириш муддатларини кескин қисқартириш бўйича катта имкониятларга эга эканликларини кўрсатади. Шунинг учун ҳам областдаги барча қурилиш трестлари, бошқармалар партия ташкилотлари барча бригадаларни злобинча усулда ишлашга ўтказишни тезлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу йил октябрь ойида серқуёш республикамиз меҳнаткашлари Узбекистон ССР ҳамда Узбекистон Компартиясининг ярим асрлик олтин тўйини тантанали нишонлайдилар. Республика пойтахти ҳамда область районлари барча қардош республикалардан ва Ватанимиз пойтахти Москва шаҳридан келадиган меҳмонларни кўнгилларидек кутиб олиш учун ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Шаҳар марказида қурилиш-монтаж ишлари кенг кўламда қулоч ёйди. Айниқса, юбилей объектларида меҳнат қилаётган бинокорлар ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, ўз байрамларини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олаётган областимиз бинокорлари Узбекистон ССР ҳамда республика Компартиясининг олтин тўйига ҳам муносиб совға тайёрлайдилар.

Н. ОХУНЖОНОВ,
Узбекистон КП Тошкент область комитети капитал қурилиш бўлими инструктори.

Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа шаҳарчаси йилдан йилга кенгайиб, чирой очиб бормоқда. Қўли гул бинокорларнинг самарали меҳнатлари билан қисқа вақт ичида кўплаб шинам бинолар қад кўтарди. Яқинда фойдаланишга топширилган янги автовокзал биноси ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

А. Абалян фотоси.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

БАЙРУТДА ТАНТАНАЛИ КЕЧА

БАЙРУТ, 8 август. (ТАСС). Бу ердаги совет маданий марказида Ливан билан СССР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 30 йиллигига бағишлаб кеча ўтказилди. Ливан жамоатчилигининг вакиллари, Ливан-Совет дўстлиги жамиятининг активлари тарихий санани нишонламоқ учун бу ерга келишди. Меҳмонлар орасида Ливан Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари Н. Шовий парламент депутатлари бор эди.

Ливан прогрессив социалистик партияси раисининг ўринбосари, Ливан парламентининг депутати Фариф Жаброн тўпланганлар ҳузурида нутқ сўзлади. У ана шу воқеанинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, араб-совет дўстлигини мустаҳкамлашнинг муҳим эканлигини уқтириб ўтди. Ливан жамоатчилигининг кенг доиралари бу воқеани нишонламоқдалар. Ф. Жаброн араб халқларининг, шу жумладан Ливан халқининг 1967 йилги Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган курашида СССР уларга берган ва бераётган ёрдамни юксак баҳолади.

ЭФИОПИЯ: ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ

АДДИС-АБЕБА, 8 август. ТАСС мухбири А. Осипов хабар беради: Бу ерда Эфиопиянинг янги конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш учун шу йил март ойида тузилган конституцион комиссия ўз ишини тамомлади.

Комиссия раиси Текла Тсадик Мекуриа бош министр Микаэлю Имруга ишлаб чиқилган ҳужжатни топширатуриб, комиссия давлатнинг асосий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда император Хейле Селассие I нинг шу йил 5 мартда чиқарган директивасида кўрсатилган мақсадларга амал қилди, деб хабар берди. Бу мақсадлар давлат аппаратининг турли органлари фаолиятини конституцион тартибда аниқлаш, бош министрнинг парламент олдидаги масъулиятини белгилаш, халқнинг граждан ҳуқуқларини кенгайтиришга гарантиялаш, одил суд системасини қайта тузиш, мамлакатнинг табиий ресурслари ва миллий бойликларини самарали муҳофаза қилишни таъминлашдан иборат.

Р. НИКСОН ИСТЕЪФО БЕРДИ

ВАШИНГТОН, 9 август. (ТАСС). Ричард Никсон пайшанба куни кечқурун миллий радио ва телевидение орқали гапириб, АҚШ президенти лавозимидан истеъфо беришга қарор қилганлигини айтди.

Р. Никсоннинг истеъфоси бугун Москва вақти билан соат 19.00 дан кучга киради. АҚШ конституциясига мувофиқ президент лавозимини вице-президент Жеральд Форд эгаллайди.

БАНГЛАДЕШДА СУВ ТОШҚИНИ

ДАККА, 8 август. (ТАСС). Бангладеш газеталари республиканинг кўпчилик округларида рўй берган мисли кўрилмаган сув тошқини оқибатлари тўғрисидаги янгидан-янги маълумотларни эълон қилмоқда.

Жамна дарёсида сув сатҳининг кўтарилиши, деб ёзади «Бангладеш таймс» газетаси, Рангпур, Богра, Пабна, Майман-сингх, Танганл ва Фаридпур округларида вазиятни кескинлаштиришга олиб келди. Шу округларда аҳоли зич яшайдиган янгидан-янги районлар сув остида қолди ва кўплаб коммуникация линиялари узилди.

Ҳалок бўлган кишиларнинг умумий сони бугунги кунгача 900 кишига етди, деб ёзади газета. Мамлакатнинг 10 га яқин шаҳри сув остида қолди. Бангладеш пойтахти Дакка ва унинг атрофидаги Нараянганж шаҳри қаттиқ шикаст кўрди. Бу шаҳарларда дастлабки маълумотларга кўра, 11 мингдан ортиқ уй-жой биноси вайрон бўлган ва шикастланган.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Пойтахтдаги барча нон заводларида тайёрланаётган турли хил маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва аҳолини ўз вақтида иссиқ нон билан таъминлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида ўтган йили октябрь ойида Тошкент шаҳар нон заводлари бирлашмаси тузилган эди. Шундан бери ўтган даврда ҳамма заводларда иш жараёнлари сезиларли даражада яхшиланди. Аҳолининг талаб ва истаклари янада тўлароқ қондириладиган бўлди.

Яқинда мухбиримиз билан бўлган суҳбатда нон заводлари бирлашмаси директори Неъматжон МУРОДОВ ярим йил давомида амалга оширилган тадбирлар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Турмуш шароити кун сайин фаровонлашиб бораётган шаҳар аҳолисини иссиқ нон билан узлуксиз таъминлаб туриш учун биринчи навбатда дўконларга нон етказиб беришни тўғри ташкил қилиш лозим эди. Биз ҳам ишни шундан бошладик. Бунинг учун аввал бош диспетчерлик бўлимини ташкил этдик. Бўлим ходимлари қисқа муддат ичида пойтахтдаги нон билан савдо қилувчи барча магазинларнинг кундалик савдоси ҳажмини синчиклаб ўрганиб чиқди ва шу асосда уларга жўнатиладиган нон миқдорини конкрет белгилаб қўйди. Натижада орадан кўп вақт ўтмай, аҳоли томонидан тушаётган шикоят кескин камайди.

Энди бирлашмамиз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти олдида нон маҳсулотлари сифатини яхшилаш вазифаси турарди. Кўп кунлик кузатувлар, изланишлар шуни кўрсатдики, нон сифатини яхшилаш учун ишлаб чиқариш технологиясини тубдан ўзгартириш лозим эди. Шунинг учун бирлашмада бош механик-ремонт группаси туздик. Группа аъзолари бир неча кун давомида барча заводларда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини ўргандилар. Тажрибали усталарнинг маслаҳатлари, ихтирочи ва рационализаторларнинг қимматли таклифларини таҳлил қилиб чиқиб, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилашга қаратилган бир қатор муҳим тадбирлар белгиладилар. Кўпгина цехлар капитал ремонт қилинди, янги технология жорий этилди, эскирган ускуналар янги техникалар билан алмаштирилди. Кўпгина цехларда қўл меҳнати кўп талаб қилинадиган жараёнлар механизациялаштирилди. Бирлашмага қарашли барча заводларда ҳар бир смена учун аҳолида технологлар тайинланди. Зудлик билан амалга оширилган ана шу тадбирлар тез орада ўз самарасини кўрсатди. Ишлаб чиқариш унумдорлиги ошди, маҳсулот сифати сезиларли даражада яхшиланди.

Бош механик-ремонт группаси аъзоларининг ҳаракати билан, айниқса, 3 ва 4-нон заводларида жуда кўп эски ускуналар янги техника билан алмаштирилди. Эндиликда печларда пишиб чиқаётган иссиқ нон шаклн бузилмаган ҳолда конвейер лентасига тушади ва тўппа-тўғри тайёр маҳсулотлар хонасига ўтади. Бу ерда машиналарга махсус мосламалар билан юкланиб, нон дўконларига жўнатилади.

Тажрибали нонвойларимиз, моҳир ихтирочи ва рационализаторларимиз таклифи билан 2-нон заводидаги барча дастгоҳларни ре. конструкция қилиб, нонни қолипсиз пишириш усулини жорий этдик. Ҳозирги пайтда шу усулда 20 тоннага яқин юмалоқ булка нонлар тайёрланмоқда. Яқин кунларда заводдаги барча печларни шу усулга ўтказиб, қора нонларнинг 3-4 хилини ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутмоқдамиз.

Эндиликда нон заводларига деярли 80 процент ун қопсиз, махсус машиналарда келтириладиган бўлди. Машина бункеридаги ун ҳаво босими ёрдамида тўппа тўғри хамир қориш машиналарига узатилади. Бу янгилик меҳнат унумдорлигини ошириб, қўл меҳнатини камайтирди ва бир қанча ишчи кучини тежаб қолиш имконини берди. Яқинда 25 тонна оби нон ишлаб чиқарадиган цехимизни ҳам шу янги усулга мослаштирмоқчимиз.

Октябрь массивида ўз магазинига эга бўлган, оби нон цехини ишга туширдик. Қисқа вақт ичида бу цех ўзининг сифатли нонларини аҳолига манзур қила олди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўз магазинига эга бўлган обинон цехларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Уста нонвойларнинг маҳоратидан унумли фойдаланиш, кадрларни жой-жойига тўғри қўя билиш бизнинг системамизда жуда муҳим аҳамият касб этади. Мана бир мисол. Бундан икки ой илгари ҳам 4-нон заводи коллективи аҳолига сифатли қора нон етказиб бера олмасди. Ҳозирги кунда эса, корхона маҳсулотлари аҳолига манзур бўлмоқда. Бу ўринда 30 йилдан бери шу соҳада ишлаб, бой тажриба тўплаган Мария Рязанованинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. У заводга бошлиқ қилиб тайинланганидан сўнг ишда ана шундай кескин бурилиш юз берди. Шунингдек, уста нонвойларимиздан Носир Ортиқов, Сотволди Екубжонов, Обид Қосимов, Любовь Шеменева, Гулшод Шокировалар бирлашмамизга қарашли заводлардан чиқаётган нон маҳсулотлари сифатини яхшилашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Айни кунларда жонажон республикамиз ҳамда Узбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарафига қизғин авж олган сифат учун кураш мусобақасида ана шу тажрибали усталаримиз пешқадамлик қилмоқдалар.

Бугун—Бутуниттифоқ физкультурачилар куни

ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК, МАРДЛИК БАЙРАМИ

ЮКСАК МАҲОРАТ УЧУН

БУГУН — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. Физкультурачиларимиз бу кунни мусобақаларда янги рекордлар ва қувончли ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Областимиз физкультура ва спорт ташкилотлари эришаётган муваффақиятлар тўғрисида область физкультура ва спорт комитетининг ранси Наримон ЖАЛОЛОВ мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

КИШИЛАРНИ жисмоний жиҳатдан чиниқтириш, уларни бунёдкорлик меҳнатига ва жанговар жасоратга ҳар томонлама тайёрлаш коммунистик тарбиянинг муҳим таркибий қисмидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, биз ёшларимизнинг ҳар томонлама маълумотли ва маънавий гўзал бўлишингина эмас, уларнинг соғлом, чиниққан, бақувват бўлишини ҳам истаймиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда физкультура ва спортни ривожлантиришда қувончли ютуқларга эришилди. Физкультура ва спортнинг оммавийлиги йўлидан бориб, физкультурачилар сафи кенгайди. Буни областимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида областимизда 212 минг 184 физкультурачи турли спорт тўгаракларига аъзо эди. Ўтган йиллар мобайнида физкультурачилар сафи кенгайиб, 270 минг кишига етди. Ўтган йилнинг ўзида 72,5 минг киши ГТО нишондори бўлди. 144 киши СССР спорт мастерлигига номзодлик нормативини бажарди. 719 киши биринчи разрядли, 59 минг 722 киши оммавий разрядли спортчи бўлди.

Кейинги пайтда спорт мастерлари ва халқаро классдаги спорт мастерлари тайёрлашга ҳам эътибор кучайди. Ўтган йили турли спорт ташкилотларида шуғулланаётган 30 киши СССР спорт мастери, икки киши халқаро классдаги спорт мастери унвонига сазовор бўлди.

Областимиз спортчилари республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларида актив иштирок этиб, неча бор совринли ўринларни эгаладилар. Ҳозирги кунда ўтаётган республика ёшлари спартакиадасида областимиз спортчилари иккинчи ўринни олиб турибдилар. Улар учинчи ўринда келаётган Андижон области командасидан 56 очко ўзиб кетдилар. Қишлоқ ёшлари спартакиадасида эса биринчи ўринни эгалладик.

Яқинда Олмаотада бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадасида ҳам областимиз ёшлари ўзларини кўрсатишди. Республика терма командасига кирган спортчилардан салкам 50 киши Тошкент области вакиллари эди. Областимиз вакили Гарик Мовсисян курашда барча рақиблари устидан ғолиб чиқиб, спартакиада чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Физкультурачилар сафининг ўсиши, ўқув машғулотлари сифати яхшиланаётганлиги, методик ишларда янги формаларнинг жорий этилиши натижасида юксак кўрсаткичларга эришилянти. 1971 йилда спортчиларимиз 14 та рекорд қўйишган эди. Ўтган йили эса бу рақам 36 тага кўпайди. Шуниси қувончлики, шаҳарларда шуғулланаётган спортчилар билан бир қаторда колхоз ва совхозларда шуғулланаётган спортчилар ҳам рекордларни кўпайтиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Физкультура ва спорт ишлари намунали йўлга қўйилган колхоз ва совхозлар областимизда оз эмас. Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳозир қарийб минг киши спортнинг турли секцияларида қатнашмоқда. Яқинда бу ерда 10 минг ўринли янги стадион фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар кмобинатида ҳам физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Ўтган йили бу ерда 25 минг ўринли улкан стадион спортчиларга ҳадя этилган эди. Ҳозир эса уч ваннали сузиш бассейни қурилаяпти. «Ўзбекхиммаш» заводида ҳам учта залли спорт комплекси бунёд этилмоқда.

Янгийўл шаҳрида спорт базалари тобора кенгаймоқда. «Спартак» стадионида ҳозир сузиш бассейни ва спорт зали қурилиши қизғин олиб борилмоқда. Райондаги Свердлов номли совхоз стадионини ҳам реконструкция қилиш бошланди. Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари тартибга келтирилди, минбарлар қурилиши тугалланди.

Бутуниттифоқ физкультурачилар куни арафасида Тўйтепада 10 минг ўринли янги стадион қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Бугун бу ерда спортчиларнинг область спартакиадаси байроғи кўтарилади. Барча шаҳар ва районлардан келган спортчилар йиғилганлар олдида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Умуман олганда ҳозир областимизда 17 та стадион, 1087 та волейбол, 281 та қўл тўпи, 585 та баскетбол майдонлари, 195 та спорт зали, 9 та бассейн, 25 та тир, 422 та футбол майдони мавжуд. Мингминглаб ишчи ва хизматчилар, пахтакор ва соҳибкорлар бўш соатларини мана шу спорт базаларида ўтказиб, жисмоний жиҳатдан чиниқмоқдалар.

Ҳозир барча коллективларнинг диққат-эътибори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейини физкультура ва спортда янги рекордлар билан кутиб олишга қаратилган. Юбилейга бағишлаб волейбол, оғир атлетика бўйича мусобақалар ўтказилади. Тошкент ва Иваново областлари спортчиларининг спартакиадаси ташкил қилинади. Бу спартакиадада улар спортнинг беш тури бўйича ўзаро мусобақалашадилар. Бу тадбир СССР халқлари спартакиадаси олдидан спортчиларимиз учун катта синов бўлади. Барча коллективлар катта синовдан муваффақиятли ўтиш учун ўз маҳоратларини яна ҳам оширмоқдалар, спортнинг оммавийлигини таъминламоқдалар.

Пойтахтдаги шахмат-шашка клубида «Ёш ленинчи» газетаси мукофоти учун шахмат бўйича мусобақалар бошланди. Суратда: мусобақа пайтида.

В. Сироткин фотоси.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ

БУТУНИТТИФОҚ физкультурачилар кунига бағишлаб бугун ўтказиладиган қишлоқ ёшлари область спартакиадасида районимизнинг 82 спортчиси иштирок этади. Улардан 40 нафари хотин-қизлардир. Кейинги пайтда хотин-қиз спортчилар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Қизларимиз турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, район шуҳратини яна ҳам оширмоқдалар.

Ҳозирги кунда районимизда қишлоқ спортчилари сони 20 минг 300 кишидан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти разрядли спортчилардир. Биргина шу йилнинг ўзида уч киши мастерликка кандидат, 15 киши биринчи разрядли спортчи нормативини бажарди. ГТО комплекси нормативини бажаришда ҳам ёшларимиз қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Кейинги пайтда 7 мингдан ортиқ соҳибкор ва сабзавоткор ГТО нишондори бўлди. Улардан 563 киши олтин нишон олишга муваффақ бўлди.

Район миқёсида ўтказилаётган турли мусобақа ва спартакиадалар спортчиларимиз маҳоратини янада оширишга, спортнинг оммавийлигини таъминлашга ёрдам бермоқда. Ўтган ойларда ўқувчилар ва қишлоқ ёшлари спартакиадалари бўлиб ўтди. Футбол бўйича район биринчилиги мусобақалари ташкил қилинди. Бу мусобақада «Партия ХХ съезди» колхози командаси ғолиб чиқиб, район чемпиони бўлди. Ҳозир 4 та команда футбол бўйича область биринчилигида иштирок этмоқда.

Колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳалол меҳнатдан тушаётган маблағнинг бир қисмига спортчилар учун замонавий базалар қуриб бермоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида 83 та волейбол, 57 та баскетбол, 18 та қўл тўпи, 30 та футбол майдончалари, 29 та спорт зали қурилди ва спортчилар ихтиёрига топширилди.

Физкультура ва спортни ривожлантиришга айниқса «Қорасув» совхозида алоҳида аҳамият берилмоқда. Совхоз спортчиларидан 50 киши биринчи разрядлидир. Ташкил қилинган турли тўгаракларда 300 йигит-қиз шуғулланмоқда. Охунбобоев номли, Куйбишев номли, «Партия ХХ съезди» колхозларида ҳам спорт турлари комплекс ривожланмоқда.

Бугунги айёмда биз совет спорти шуҳратини оламга таратаётган қишлоқ спортчилари номини ҳурмат билан тилга оламиз. СССР спорт мастери Э. Абдурамонов ўсмирлар ўртасида классик кураш бўйича Европа чемпионатида қатнашиб, дуруст натижага эришди. З. Алиҳамухамедов, Н. Поляков, М. Муҳамадулин каби ҳамқишлоқларимиз эса миллий ва классик кураш бўйича республика чемпиони бўлишди. Енгил атлетика ва бадиий гимнастика бўйича ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган спортчиларимиз ҳам оз эмас. Районимизнинг 20 дан ортиқ СССР спорт мастери ва мастерликка кандидатлари область, республика ва Бутуниттифоқ миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиб, шуҳрат қозонмоқдалар.

С. ЮСУПОВ,
Калинин район «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти ранси.

УНДАН ҲАММА МИННАТДОР

СОВЕТ Армияси сафларида хизмат қилаётган йигитлардан Николай Трофимович номига тез-тез хатлар келиб туради. Солдатлар шоферлик ҳунарини ўргатиб, сўнг армия хизматига кузатиб қолган ўз устозларига миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилганлар.

Николай Трофимович ДОСААФнинг Янгийўл шаҳридаги намунавий автомотоклубига 25 йилдан бери узлуксиз раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида у неча минглаб ёшларга машина бошқаришни ўргатди. Эндиликда бу ерда радио клуби ҳам ишлаб турибди. Армия сафига чақириладиган ёшлар жўнашдан олдин клубда маълум муддат сабоқ олиб, ҳунар ўрганадилар.

Ҳунарли ёшлар хизмат даврида машина бошқаришяпти, спорт тўгаракларида қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишяпти. Мана шунинг учун ҳам улар Николай Трофимович Скубаковдан беҳад миннатдордирлар.

Янгийўл шаҳрида оммавий мудофаа ишларини ривожлантиришга, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир досаафчилар сафига 40 минг киши бирлашган. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Армия сафига чақирилувчи йигитлардан кўпчилиги ГТО нормативини бажарди.

Спортнинг ҳарбий техника турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар ҳам қизғин бўлаяпти. Шаҳардаги 8-ўрта мактабда махсус ҳарбий-спорт лагери ташкил қилинган. Мусобақалар кўпинча шу ерда ўтказилади. Бўлиб ўтган беллашувларда 35 минг киши иштирок этди. Мусобақалар давомида кўплаб спортчилар разрядлар олмоқдалар. Бу тадбирларни ўтказишда ҳам Николай Трофимовичнинг ўзи бош-қош.

Шу кунларда шаҳарда СССР халқлари VI ёзги спартакиадаси мусобақаларининг биринчи босқичи бошланди. Мусобақаларни ташкил этишда шаҳар ДОСААФ комитети ҳам ҳисса қўшмоқда.

Э. АВАНЕСОВ,
СССР спорт мастери.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Ҳозирда республикамизда 2 миллион 300 минг киши саломатлик гарови бўлган физкультура ва спорт билан шуғулланмоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзида 690 минг йигит-қиз «Меҳнат ва мудофаага тайёр» значоги-га норма топширди.

ГТО комплекси жорий этилгандан буён 1,5 миллион киши янги Бутуниттифоқ комплекси значоги-га норма топширди.

Республика ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик тўйини спортчиларимиз ҳам ажойиб юксак натижалар билан кутиб олишмоқда. Ўтган етти ой мобайнида республика спортчилари жаҳон, Европа ва Бутуниттифоқ мусобақаларида 22 та олтин, 19 та кумуш ва 16 та бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Республикамиз спортчиларининг халқаро алоқалари тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина Ўзбекистон спортчилари 21 мамлакатга сафар қилдилар, спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган халқаро турнирда қатнашдилар.

МУСОБАҚАЛАР УЧРАШУВЛАР

Бугун Бутуниттифоқ физкультурачилар кунида республикамизнинг кўплаб стадионлари, спорт базаларида мусобақалар уюштирилади, кучли спортчилар иштирокида кўргазмали чиқишлар бўлади.

Пойтахтдаги «Пахтакор», «Спартак», «Старт», «Локомотив», «Текстильщик» стадионларида спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар бўлади. ГТО комплектига норма топширишда юзлаб йигит-қизлар иштирок этишади.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Мамлакат биринчилиги учун олий лигада қатнашаётган командалар ўртасида яна битта ўйин бўлди. Пойтахт автозаводчилари «Днепр» командасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида устун келишди. Тўпларни Еськов, Дегтяров ҳамда Никоновлар киритишди. Кеча эса «Динамо» (Москва) — ЦСКА учрашди.

Мамлакат биринчилигининг иккинчи лигаси биринчи зонаси қатнашчиларининг навбатдаги тур ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Олга» — «Амударё» — 3:0, «Янгиер» — «Янгариқ» — 3:0, «Нефтяник» — «Металлург» 3:2, «Андижон» — «Олатов» — 1:0, «Трактор» — «Труд» — 0:0, «Шахтёр» — «Автомобилист» 0:0, «Спартак» — «Динамо» — 2:0, «Восток» — «Орбита» — 1:1.

СССР биринчилиги мусобақалари энг қизғин паллага кирган дам. Биринчи ярим ўрта вазнда кураш айниқса қизғин тус олган. «Кутилмаган» воқеалар ҳам асосан шу вазнда рўй берди. Мутахассисларнинг кўпи Мадриддаги Европа биринчилигининг қатнашчиси СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Г. Доброхотов ва бир неча марта СССР чемпиони, Мюнхен олимпиадасининг қатнашчиси, Белграддаги Европа чемпионатининг финалчиси, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери А. Камневни финал курашида албатта кўрамиз деган умидда эдилар. Кўпдан бери ҳурмат шохсупаси томон қатъий қадам ташлаб келаётган ёш, қобилиятли боксчи В. Богатюк зўр маҳорат кўрсатди. Бирин-кетин бу иккала боксчи устидан ғалабага эришишга муяссар бўлди. Чорак финалда В. Богатюк ва тошкентлик А. Қодирохунов «жанги» шу куннинг марказий учрашувига айланди.

КУНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Абдулла Ижевскнинг катта спорт залига чиқаркан, қаттиқ тўлқинланарди. Шунда Тошкентдаги охирги машқлар, тренернинг ўгитлари ёдига келди. Алексей Давидович Дин касал ҳолига қарамай, унинг машқларидан бир амаллаб хабар олиб кетар, йўл-йўриқлар берарди. Абдулла эса тренерининг кўнглини тўқ қилиш учун терлаб-пишиб машқ қиларди. Устозининг уриниб қолмаслигига ҳаракат қиларди.

— Тасодифий зарбаларга умид кутма,— дерди устоз,— маҳоратингни қайра, кўпроқ югур. Боксчи енгил атлетикачидек чарчамаслиги, штангачидек кучли, қиличбоздек чаққон бўлиши, шахматчидек пухта ўйланган комбинацияларга эга бўлиши керак.

Энди у устозининг ишончини оқлаши лозим. Шундагина унинг қалбини шод қилиши, руҳан малҳам бериши мумкин.

Ниҳоят рингда бу йилги давранинг энг кучли боксчилари қарама-қарши турдилар. Богатюк биринчи минутданоқ дўлдек зарбалар ёғдира бошлади. Абдулла ҳам маҳоратини ишга солди. Шунда икки йигит ҳам «жанг» осонликча ўтмаслигини сезиб, қаттиқ кураш олиб бордилар. Мутахассислар «Абдулла Қодирохунов рақибига бокс санъатидан дарс берди»,—деб юксак баҳо беришди. «Советский спорт» газетаси биринчи саҳифада ўзбек спортчисининг расмини бераркан, у ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.

Ярим финалда Торопов билан курашиб, яна маҳорат кўрсатди. Унинг ҳужумлари томошабинлар олқиши билан кузатиб борилди. Лекин судьяларнинг протоколи Тороповнинг 3:2 ҳисобида ютганлигини қайд қилди.

Абдулла 1974 йил СССР чемпионатининг медалини олишга муваффақ бўлди. Аммо, нимадандир кўнгли тўлмасди. Уни Тошкент аэропортида шодон кулгу, гуллар билан кутиб олишди. Дўстлар табригини қабул қиларкан, қалби устоз томон талпинарди.

Мана, ниҳоят севимли устозининг уйи. Алексей Давидович шогирдини муваффақият билан табриклаб, маҳкам қучаркан, Абдулла ўз навбатида чемпионат медалини унинг бўйнига илиб қўйди.

— Раҳмат,— деди устоз ва яна қайта шогирдининг бўйнига медалини илиб, бу гал мен ҳиссамни қўша олмадим. Бунинг учун кечирасан. Майли ҳали олдинда кўп курашлар бор.

Абдулла Қодирохунов шу пайтгача спорт биографиясида, ҳаётида қандай муваффақиятга эришган бўлса, Алексей Давидович туфайли юзага чиқди. СССР чемпионатининг олтин, кумуш, бронза медалларини олишида, қатор халқаро турнирларнинг голиби бўлишида тренернинг хизмати ниҳоятда катта бўлди. Институтга ҳам устоз йўлланмаси билан борди.

Пойтахтимиз «Спартак» жамиятини катта тренери Алексей Давидович Дин республикамиздаги энг кўзи ўткир устозлардан биридир. У 1966 йилдан бери шу жамиятда тренерлик қилар экан, кўплаб моҳир боксчиларни тарбиялаб етиштирди. Унинг шогирдлари Бутуниттифоқ рингида республикамиз спорт шарафини оқлаб келмоқдалар. Бир неча йилдирки, республика биринчилигида «Спартак» кўнгилли жамияти команда ҳисобида шохсупанинг тўридан жой олиб келмоқда. Ўтган йили катталар ўртасида етти спортчи, ёшлар ўртасида тўққиз, бу йил катталар ўртасида саккиз, ёшлар ўртасида ҳам саккиз спортчи республика чемпиони деган шарафли номни қўлга киритган бўлса, бунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер А. Динниг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Кейинги йилларда қандай Бутуниттифоқ мусобақа ўтказилмасин, унинг шогирдлари совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бу йил катталар ўртасида ўтказилган СССР биринчилигида Абдулла Қодирохунов бронза медали эгаси бўлган бўлса, ёшлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ чемпионатида Ринат Хайрутдинов олтин медаль олиб қайтди. Алексей Давидович устозлик фаолиятида тўртта СССР чемпионини тарбиялаб етказди. Бу эса ҳар қандай малакали тренер учун ҳам ҳавас қилса арзигудек.

— Алексей Давидович,— дейди унинг шогирдларидан бири Рустам Зоидов,— фақат тренергина эмас, шогирдларига отадек ғамхўр. Бизнинг ўқишимиз, ишимиз, ҳаётимиз билан қизиқади. Лозим бўлса уйимизга боради. Суҳбатлар ўтказади, ишга, ўқишга киришимизга яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун уни жонимиздан ортиқ севамиз.

Ҳақиқатан, А. Дин малакали устоз ва меҳрибон педагогдир. У Рустам Зоидов, Маҳмуд Азизовларнинг политехника институтига ўқишга киришларига сабабчи бўлган. Алексей Давидович шогирди — собиқ СССР чемпиони В. Башкировга тренерлик қилишни таклиф этган эди. Ҳозир бу йигит республикамизнинг ёш, аммо малакали тренерларидан бири ҳисобланади. Унинг маслаҳати билан ўқишга, ишга кирган шогирдлари ҳаётда ўз ўринларини топишган.

Б. ПЎЛАТОВ.

Суратда: А. Қодирохунов ўз устози билан.

Т. Каримов фотоси.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9,55 — ТОШКЕНТ. 10,00 — Янгиликлар. 10,10 — Мультфильм. 10.20 — Экран хандаси. 11,00 —МОСКВА. 15.30 — **Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни.** 16,15 — ТОШКЕНТ. 16,20 — Мультфильм. 16,40 — «Юлдузча» журнали. 17,15 — Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 18.05 — «Ахборот». 18,20 — МОСКВА. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси «Ҳар доим бўлсин қуёш» (Ўзбекистон ССР). 19.15 — Тошкент. Идеология ва ҳаёт. 19.40— «Ахборот». 20,00 — Мусиқа жаванди. 21.00 — МОСКВА. **Футбол: СССР кубоги. Финал. «Динамо» (Киев) — «Заря» (Ворошиловград).** 22.45 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10,00 — ТОШКЕНТ. Фильм-концерт. 10.50 — Киноҳаваскорлар клуби. 11.50 — Ҳужжатли фильм. 12,05 — **«Мен Тянь-Шань»** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 13,05 — «Париж собори» (фильм-балет). 16,15 — МОСКВА. **«Трубнодаги уй»** (бадиий фильм). 17,20 — Ҳайвонот оламида. 18,20 — ТОШКЕНТ. **Цирк программаси.** 19,15 — МОСКВА. «Здоровье» программаси. 21.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студиясн. «ССО-74». 21.30 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — **«Сувга сакраш ҳуқуқи»** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16,15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қайтиш йўқ — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Шимолий флот юнгаси — «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ихтиро — ҲАМЗА номли (19,30, 21.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Малиновкадаги тўй — «ФЕСТИВАЛЬ».

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИГА

Бош бухгалтерлар, катта бухгалтерлар, машинисткалар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, Ҳамза район ишчиларнинг комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 02608. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 А—2606.